Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида энг яхши таклифларни танлаш юзасидан жойлаштирилган 14.09.2022 йилги №22110012149818 лот рақамли танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон натижаси бўйича

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

**(ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА)**

**№939-4-59-IB/2022 сон** **2022 йил 28 сентябрь**

**Чироқчи тумани "SHOH INJINIRING" MCHJ** номидан Низом асосида иш кўрувчи рахбар **Ш. Хайруллаев** бир томондан ва (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) **Қарши тумани Ирригация бўлими** номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи **А.Каримов** иккинчи томондан (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади), тегишли нуқсонлар далолатномаси асосида Қарши туман "QASHQADARYO MAXSUS SUV LOYIXA" MCHJ томонидан тайёрланган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан 26.08.2022 йилги №58612 сонли жамланма экспертиза хулосаси билан тасдиқланган) лойиха смета хужжатларига асосан, **Қарши тумани Ирригация бўлими балансидаги сув чиқазиш каналларини (суғориш иншоатларини) лойиха смета хужжатларида кўрсатилган объектлар бўйича жорий таъмирлаш ишларига** (Ўзбекистон республикаси Вазирлар Махкамасининг 10.05.2022 йилги №243 сон Қарори 3-иловаси) доир мазкур пудрат шартномасини тузадилар.

## I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

**«ижро ҳужжатлари»:** — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**«қурилиш майдони»:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**«вақтинчалик ишлар»:** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**«беркитилган ишлар»:** — сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ: **Қарши тумани Ирригация бўлими балансидаги сув чиқазиш каналларини (суғориш иншоатларини) лойиха смета хужжатларида кўрсатилган объектлар бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади,** Буюртмачи эса Пудратчига сув иншоатларини таъмирлаш ва тозалаш

ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган электрон танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг электрон шаклланган қарори **(2022 йил 22 сентябрдаги электрон баённома)** билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **312 000 000 (уч юз ўн икки миллион) сўмни ташкил этади. Шундан ҚҚС: 40 695 652.17 (қирқ миллион олти юз тўқсон беш минг олти юз эллик икки сўм, 17 тийин) сўм.** Жорий таъмирлаш ишлари қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда; ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

4. Жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
— барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга «______» иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
— «____» иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;
— қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
— буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
— қурилиш ишлари таваккалчилигини суғурта қилиш.
Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш; қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш; қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.
7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:
— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
— ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя

этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
— молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

9. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб: кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:
10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
11. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 (олтмиш) кунни** ташкил этади.
12. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу **93 600 000.00 (тўқсон уч миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.**

14. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

15. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 100% гача доирасида амалга оширилади.
16. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 0% гача миқдорида, амалга оширилади:
17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини — Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
27. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.
29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
30. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
31. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.
35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда

тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
36. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан кувурлар ўрнатиш йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.
37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.
Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади.
Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## IX. Ишларини қўриқлаш

38. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.
39. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.
41. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.
42. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

43. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.
44. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.
45. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.
46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

47. Пудратчи: — барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

— лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

— ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

— ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни; объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

48. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир ой этиб белгиланади.

49. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

51. Буюртмачи: — шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

— ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда;

— пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

— пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Пудратчи:— ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

— буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:
— иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
— Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.
58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг ___ % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг ___ фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
59. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг___ фоизи миқдорида жарима тўлайди.
60. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.2 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.
61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.
62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.
63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади. Шартнома тегишли тартибда Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга кириб, **“ 28 ” сентябрь 2022 йилдан 31 декабрь 2022 йилгача** амалда бўлади
66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.
67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.
68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.
70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.
71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

**ПУДРАТЧИ:**

**Чироқчи тумани "SHOH INJINIRING" MCHJ**
Манзили: Чироқчи тумани, Махмудтепа қишлоғи
Тел\факс: +(998)91 474 00 03.
Х\Р: **20208000605160749001.**
Банк номи: ҚАРШИ ШАХАР "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ ҚАШКАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
**МФО: 00190. СТИР: 307012501.**
ОКОНХ: **61110.** Эл. Почта: shaxboz@umail.uz
**Таъсисчи: 100% Xavrullayev Shaxboz G'avratovich**
**Таъсисчи СТИР: 510936549.**

Рахбар: **Ш. Хайруллаев**

_________________ (имзо)
М.У

**БУЮРТМАЧИ:**

**Қарши тумани Ирригация бўлими**
Манзили: Қарши тумани, Мирмирон МФЙ
Тел\факс: ____________________________
ШХР: **100022860102247042402170001.**
МФО: 00014. Тошкент шахар Марказий банк ХККМ. СТИР: **207264491.**
ОКОНХ: ____________________.
Ғазначилик: Уз. Рес. Молия Вазирлиги Ғазначилиги СТИРи: 201122919.
Ягона ғазна Х/Р: 23402000300100001010.

Рахбар: **Каримов Алишер**

_________________ (имзо)
М.У

# ЮРИДИК АҲАМИЙАТГА ЕГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури: пудрат шартномаси

2. Лойиҳанинг номи

Чироқчи тумани "SHOX INGINIRING" MCHJ ва Карши туман ирригация бўлими ўртасида тузилган 312 000 000 (Уч юз ун икки миллион) сўмлик Карши тумани Ирригация бўлими балансидаги сув чиқариш каналларини (суғориш иншоатларири) лойиха смета хужжатларида кўрсатилган объектлар бўйича жорий таъмирлаш ишлаш шартномаси

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маьлумот Қарши туман ирригация бўлими томонидан 2022 йил 27 сентябрда киритилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофик ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Марказ бош юрисконсулти
2022 йил «28» сентябрь

А.Ҳомидов

Юрист исм фамилияси: Homidov Asomiddin Mo'min o'g'li

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Қарши туман Ирригация бўлими

бошлиғи ________________ А. Каримов

"27" 09 2022 йил

Қарши тумани Ирригация бўлимининг, Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида 2022 йил 14 сентябрь кунида жойлаштирган №22110012149818 лот рақамли (энг яхши таклифларни танлаб олиш) эълонига мувофик, Қарши тумани Ирригация бўлими балансидаги сув чиқазиш каналларини (суғориш иншоатларини) лойиха смета хужжатларида кўрсатилган объектлар бўйича жорий таъмирлаш ишлари бўйича

# Й И Ғ И Л И Ш   Б А Ё Н И №2

---

Электрон танлаш асосида шакллантирилган баённома Қарори юзасидан, танлаш иштирокчилари томонидан эътирозлар қабул қилиш (2 иш кунлик), ёки мухокама муддати ўтиб, якуний натижаларни эълон қилиш ва танлаш ғолиби билан шартнома имзолаш юзасидан

## Б А Ё Н

**Қарши тумани** **27 сентябрь 2022 йил**

Комиссия раиси
*Қарши тумани Ирригация бўлими бошлиғи* *А. Каримов*

Комиссия аъзолари *Б. Суюнов*

*Х. Эшонкулов*

*Б. Саломов*

*А. Бобоназаров*

Кун тартибида куриладиган масала:

1. Қарши тумани Ирригация бўлимининг, Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида 2022 йил 14 сентябрь кунида жойлаштирган №22110012149818 лот рақамли бошланғич нархи 322,535,828.00 сўмлик, энг яхши таклифларни танлаш эълонига мувофик, (Қарши тумани Ирригация бўлими балансидаги сув чиқазиш каналларини (суғориш иншоатларини) жорий таъмирлаш ишлари бўйича), электрон ўтказилган танлаш натижалари юзасидан танлаш иштирокчилари эътирозлари мухокамаси.

2. Якуний хулоса асосида танлаш ғолибини маълум қилиш ва ушбу пудрат ташкилоти билан тегишли тартибда шартнома тузиш

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Комиссия раиси **А. Каримов** сўзга чиқиб, Товар хом-ашё биржаси махсус ахборот парталида Қарши тумани Ирригация бўлими балансидаги сув чиқазиш каналларини (суғориш иншоатларини) жорий таъмирлаш бўйича жойлаштирилган (энг яхши таклифларни танлаб олиш) эълони муддати 2022 йилнинг 21 сентябрь кунида якунланганини айтиб ўтди. Шунингдек 2022 йилнинг 22 сентябрь кунида харид комиссияси котиби томонидан, талабгорлар таклифлари (электрон харид тизими орқали) тўлиқ баҳоланганлигини ва комиссия таркиби овоз бериш натижасига кўра якуний баллар асосида электрон танлаш баённомаси шакллантирилганлигини яна бир бор маълум қилди.

У ўз сузини давом эттириб, мазкур танлаш жараёнида жами 2 нафар иштирокчи ўз пудрат ишлари таклифи билан қатнашиб, овоз бериш натижасига кўра 95.80 балл билан Чирокчи тумани "SHOH INJINIRING" MCHJ танлаш ғолиби бўлганлиги, ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 20.05.2022 йилги №276 сон Қарори асосида ишлаб чиқилган "Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 98-бандига мувофиқ, 2 иш куни, яъни 2022 йилнинг 26 сентябрь (23-26 сентябрь кунлари) санасигача бўлган муддатларда муҳокама қилиш учун ахборот парталида жойлаштирилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан кейин, бўлим ходими Б. Суюнов сўз олиб, юқорида кўрилаётган №22110012149818 лот рақамли энг яхши таклифларни танлаш эълонига мувофиқ, Қарши тумани Ирригация бўлими балансидаги сув чиқазиш каналларини (сугориш иншоатларини) жорий таъмирлаш ишлари бўйича, ўтган 2 иш куни даврида, танлаш иштирокчилари томонидан хеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини ва танлаш натижаларидан норозилик холатлари юзага келмаганлигини маълум қилди.

Комиссия аъзолари юқоридаги фикрларни тасдиқлаган холда, танлаш натижасига кўра ғолиб деб топилган **Чирокчи тумани "SHOH INJINIRING" MCHJ** томонидан таклиф этилган барча танлаш хужжатлари, эълонда сўралган талабларга мувофиқлигини инобатга олиб, ушбу пудрат ташкилоти билан шартнома имзолашни таклиф килдилар.

Хайъат аъзоларининг таклифлари, фикр мулохазалари ва тавсияларидан келиб чккан холда танлов хайъати томонидан

## Қ А Р О Р   К А Б У Л   К И Л И Н Д И.

1. **Давлат харидлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ, электрон баённома расмийлаштирилгандан сўнг, икки иш куни муддатида танлаш иштирокчиларидан хеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб,** Чироқчи тумани "SHOH INJINIRING" MCHJ, 312 000 000 (уч юз ўн икки миллион) сўмлик пудрат ишлари таклифи билан, энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича танлаш ғолиби деб тан олинсин ва кўзда тутилган маблағлар хисобидан мазкур ташкилот билан тегишли тартибда пудрат шартномаси имзолансин.

2. **Чироқчи тумани "SHOH INJINIRING" MCHJ** томонидан бажариладиган қурилиш таъмирлаш ишларини сифатли бажарилишини назорат қилиш, шунингдек таъмирлаш ишлари тугалланган обеъктни қабул қилиб олиш, Ташкилот рахбари А.Каримов ва ташкилот бош Гидрометри А.Бобоназаровлар зиммасида қолдирилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни қарори ижросини назорат қилиш, Қарши туман Ирригация бўлими бошлиғи А. Каримов зиммасида қолдирилсин

4. Бажарилиши кўзда тутилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари юзасидан, яъни уларнинг сифати, нархи, қабул далолатномалари ва бошқа хужжатларнинг хаққоний расмийлаштирилиши, танлаш ўтказиш мезонларига амал қилинганлиги, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаганлиги, маблағларни мақсадли сарфланиши, таъмирлаш ишларининг давлат стандарти даражаси талабларига жавоб бериши, ахборот порталида берилган эълон талабномасининг хаққонийлиги, Ғазначилик бўлинмасига пудрат ишлари бўйича электрон жўнатиладиган барча турдаги хужжатларнинг қонунийлиги ва бошқа холатлар назорати мазкур комиссия аъзолари ва Қарши туман Ирригация бўлими рахбарияти зиммасида қолдирилсин.

*Комиссия раиси*
*Қарши тумани Ирригация бўлими бошлиғи* — *А. Каримов*

*Комиссия аъзолари*

*Б. Суюнов*

*Х. Эшонкулов*

*Б. Саломов*

*А. Бобоназаров*

2719685

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SHOH INJINIRING" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SHOH INJINIRING" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.01.2020 799654 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 307012501

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Qashqadaryo viloyati, Chiroqchi tumani, MAHMUDTEPA QISHLOG'I,

Guvohnoma: Qashqadaryo viloyati, Chiroqchi tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

Қарши шаҳар “Давлат хизматлари” маркази томонидан 2020 йил “10” 01 да 799654-сон билан

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

«SHOH INJINIRING» масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2020 йил 10 январдаги 1-сон қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QASHQADARYO VILOYATI CHIROQCHI TUMANI "SHOH INJINIRING" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN MAJIYATI

# «SHOH INJINIRING»

## масъулияти чекланган жамиятининг

# У С Т А В И

Қарши шаҳар - 2020 йил

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «SHOH INJINIRING» масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда «Жамият» деб юритилади) мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамиятнинг Иштирокчиси:

- Хайруллаев Шахбоз Ғайратович (паспорт серия АА5076360, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани ИИБ томонидан 11.04.2014 йилда берилган), яшаш манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 270-уй, 16-хонадон.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ номи:

Давлат тилида: «SHOH INJINIRING» mas'uliyati cheklangan jamiyati;

Рус тилида: Общество с ограниченной ответственностью «SHOH INJINIRING».

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Давлат тилида: «SHOH INJINIRING» MCHJ;

Рус тилида: ООО «SHOH INJINIRING».

1.4. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Маҳмудтепа қишлоғи.

1.5. Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилади.

## II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан юридик шахс ҳисобланади. Жамият белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.3. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради. Жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штамп ва бланкаларга, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган ўз эмблемасига, товар белгисига эга бўлишга ҳақли.

2.5. Жамият ўз эгалигида мустақил балансда ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга, ўз номидан ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

## III. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ваколатхоналар ва филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар тузишга ҳақли.

## IV. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

4.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад иштирокчилар манфаатлари учун фойда олиш.

Жамият фаолиятининг предмети бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- умумий қурилиш, қурилиш ва таъмирлаш, газмонтаж, электромонтаж, сантехника, пардозлаш, сув қувурларини монтаж қилиш, махсус монтаж ишларини бажариш, ташқи кўринишга (фасад) безак бериш ишларини бажариш, шартнома асосида корхона, ташкилот ва аҳоли буюртмаларини бажариш;
- уй-жой, бино ва иншоотлар, кўприклар, йўллар, пиёдалар йўлакчалари, сув хўжалигида гидротехник иншоотларни қуриш, ишга тушириш, таъмирлаш;
- уй-жой, бино ва иншоотлар, йўлларни қуриш ва таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш;
- ободонлаштириш ишларини амалга ошириш (асфальт ёткизиш, йўлаклар қуриш ва таъмирлаш);

- болалар спорт ўйингоҳлари, футбол майдонлари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, футбол майдонларига сунъий қопламалар ётқизиш ва бошқа қурилиш ишларини бажариш;

- видео кузатув мосламаларини, қўриқлаш, ёнғинга қарши огоҳлантириш сигнализацияларини, куёш батареяларини, турникетлар, шлагбаумлар ўрнатиш, монтаж қилиш, ишга тушириш, хизмат кўрсатиш;

- ички ва ташқи алоқа линияларини, алоқанинг ер усти ва ер ости линияларини монтаж қилиш ва ишга тушириш, алоқани таъминлаш мақсадида коммутация-узатиш ускуналаридан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш;

- барча турдаги сув иситиш ва иссиклик қозонларини, иссиқлик-энергетика ускуналарини ўрнатиш, таъмирлаш, синовдан ўтказиш ва ишга тушириш;

- барча бинолар ва фукаролик қурилиши объектларида электро монтаж ишларини бажариш, юқори кучланишли электр ускуналарини синовдан ўтказиш, ишга тушириш;

- электр симлар тармоғи ва фурнитуралар, телекоммуникация симлари, кўчаларни ёритиш ва электр сигнал ускуналари ўрнатиш, улаш, фойдаланишга топшириш;

- барча турдаги электр ускуна ва жиҳозларини, маиший асбобларни сотиб олиш ва сотиш, ўрнатиш, таъмирлаш, ишларини бажариш;

- сув, газ, электр ва бошқа турдаги ўлчаш асбобларини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, электр ва газ пайвандлаш ишларини бажариш;

- алюмин профилидан эшик ва ромлар, МДФ эшиклар ишлаб чиқариш, сотиш, ўрнатиш;

- барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қурилиш материалларини қайта ишлаш, қурилиш материалларини сотиб олиш ва сотиш;

-ёғочга ишлов бериш, иморатбоп ёғочлар, панел, фанера, тара, паркет, қурилиш конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқариш, ёғоч маҳсулотлари сотиб олиш ва сотиш;

- дурадгорлик ишларини бажариш, ёғочга нақш уйиш;

- барча турдаги мебел ва мебел маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

- йўлаклар учун ҳар хил ўлчамдаги бетон плиткалар ишлаб чиқариш ва сотиш;

- темирбетон буюмлари, ҳар хил ўлчамли бетон блоклар, шлакоблок, ғишт ишлаб чиқариш ва сотиш;

- металл конструкция ишларини амалга ошириш, технологик жиҳозларни монтаж қилиш ва таъмирлаш, ишга тушириш, созлаш ишларини амалга ошириш;

- тоғ тошларидан охак, алибастр ва мармар маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

- маиший техникалар, мебел маҳсулотлари, тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж саноати, бошқа халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги махсулотларини улгуржи савдосини амалга ошириш;

- ҳар хил ишлаб чиқариш ускуна ва жиҳозларини улгуржи ва чакана сотиш;

- улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш, савдо дўконлари ташкил этиш;

- яхна, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини чакана савдо оркали сотиш;

- умумий овқатланиш шахобчалари, чойхона, тўйхона, кафе-бар, ресторанлар ташкил этиш;

- озиқ-овқат ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сотиш;

- нон ва нонбулка маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

- макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

- қандолатчилик маҳсулотлари, миллий ширинликлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

- музқаймоқ ишлаб чиқариш ва сотиш;

- аҳолига барча турдаги маиший хизматлар кўрсатиш, суръатхона, сартарошхона, аёллар салони, келинлар либоси салони, сауна, ҳаммом, кимёвий тозалаш шахобчалари ташкил этиш;

- тикувчилик ва зардўзлик цехларини ташкил этиш;

- меҳмонхоналар ташкил этиш, меҳмонхона хизматлари кўрсатиш;

- дилерлик, маклерлик, брокерлик, воситачилик, консалтинг ва реклама хизматлари кўрсатиш;

- барча турдаги кўчар ва кўчмас мулкларни, бино ва иншоотларни сотиб олиш, сотиш, ижарага олиш, ижарага бериш ва ҳадя қилиш;

- барча турдаги автотранспорт воситаларини сотиб олиш, сотиш, ижарага олиш, ижарага бериш ва ҳадя қилиш;

- енгил автомобилларни ва бошқа транспорт воситаларини эҳтиёт қисмларини сотиш;

- енгил автомобиль, микроавтобус ва автобусларда йўналишли ва йўналишсиз йўловчи ташишни ташкил этиш;

- автомобилларга барча турдаги техник хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этиш: балансировка, мой алмаштириш, ювиш (авто мойка) хизматлари кўрсатиш;
- енгил автомобилларни ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник қаровини ўтказиш, автомобилларни тўхташ жойларини (стоянка) ташкил этиш;
- енгил автомобилларни ва бошқа транспорт воситаларини диагностика қилиш;
- корхона, ташкилот ва аҳолига транспорт воситаларида накд пул ва пул ўтказиш йули билан барча турдаги техник хизматлар кўрсатиш;
- корхона ва ташкилотларга, аҳолига Республика ҳудудида ва халқаро йўналишларда автотранспорт (юк ташиш) хизмати кўрсатиш;
- автомобилларга ёқилги, суюлтирилган ва сиқилган газ қуйиш шахобчалари ташкил этиш;
- аҳолига барча турдаги тиббий хизматлар кўрсатиш, тиббий маслаҳатхоналар очиш, тиббий ташхис қўйиш, стоматология, терапия, физиотерапия, иглотерапия, урология, акушер-гинекология, неврология йўналишлари асосида даволаш ва реабилитация қилиш буйича фаолият кўрсатиш;
- дорихона ва дорихона шахобчаларини очиш, барча турдаги дори-дармонлар, тиббий маҳсулотлар, тиббий доривор ўсимликлар, тиббий парфюмерия ва тиббий воситаларнинг барча турларини (гиёҳванд дорилардан ташқари) сотиш;
- доривор гиёхлар тўплаш, дорилар тайёрлаш ва сотиш, фитобарлар очиш;
- оптик тиббий маҳсулотлар билан савдо қилувчи шахобчалар ташкил этиш, кўзойнак линзалари ва оправалари, медицина оптик жиҳозлари ва материаллари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- матбаа хизматлари кўрсатиш, газета ва журналлар чоп этиш, концелярия товарлари ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш;
- нусха кучириш, компьютер хизматлари кўрсатиш, компьютер ўйинлари ташкил этиш;
- телекоммуникация операторларига, провайдерларига воситачилик хизмати кўрсатиш, пайнет хизматлари кўрсатиш;
- экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш;
- омухта ем, шрот, шелуха сотиб олиш ва сотиш;
- ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик маҳсулотларини шартнома асосида аҳолидан сотиб олиш, етиштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш;
- йирик шохли қорамоллар, қўй ва эчкилар, отларни боқиш, кўпайтириш, сотиб олиш ва сотиш;
- паррандачилик билан шуғулланиш, товук, курка, ўрдак, ғоз ва бошқа паррандаларни боқиш ва кўпайтириш, паррандалардан тухум, гўшт маҳсулотлари олиш ва сотиш;
- гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш ва сотиш;
- сутни қайта ишлаш, барча турдаги сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш, қуритиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш;
- иссиқхоналар ташкил этиш, лимон ва бошқа цитрус мевалари, резавор мевалар ва ҳар хил турдаги гуллар етиштириш ва сотиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун омборхоналар, музлатгич (холодильник)лар ташкил этиш;
- Республика худудида ва мустақил давлатлар хамдустлиги мамлакатларида хамда чет мамлакатлардаги корхона, ташкилот ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи завод ва фабрикалар билан узаро шартномалар тузиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосан барча фаолият тури билан чет элларда шугулланиш;
- ташқи иқтисодий фаолият;

Амалдаги қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган ва таъсис ҳужжатида кўрсатилмаган ўзга фаолият турлари билан шугулланиш.

Жамият уз фаолиятини амалга оширганда санитария-гигиена меъёрига риоя килади, атроф-мухит тозалигини, якин атрофда яшайдиган ахоли осойишталигини таъминлайди.

4.2. Амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилади.

## V. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Жамият иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

- қонун ҳужжатларида ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

- фойдани тақсимлашда ва унинг тегишли қисмини олишда иштирок этиш;

- жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига ёхуд учинчи шахсларга сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;

- жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамият иштирокчилари таркибидан чиқиш;

- жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;

- жами улушлари жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар;

- жамият иштирокчилари жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

5.2. Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари:

- қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга амал қилишлари;

- қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;

- жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Жамият иштирокчиларига жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

## VI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

6.1. Жамият мустақил равишда ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланади.

6.2. Жамиятнинг мол-мулки:

- иштирокчиларнинг улушларидан;

- жамият фаолияти натижасида олинган фойдадан;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилади.

## VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

7.1. Жамиятнинг ташкил этилиши ва фаолиятини амалга ошириши учун иштирокчи 7 000 000 (етти миллион) сўм миқдорида устав фонди шакллантиради.

7.2. Иштирокчининг устав фондидаги улуши қуйидагича:

- Хайруллаев Шахбоз Ғайратовичнинг қўшган улуши 7 000 000 (етти миллион) сўмдан иборат бўлиб, (мол-мулк кўринишида) жамият Устав фондининг 100 фоизини ташкил этади.

7.3. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир йил мобайнида Иштирокчиларнинг ҳар бири устав фондидаги улушини тўлиқ киритади.

7.4. Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

7.5. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига асосан устав фондини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.

7.6. Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади. Жамият устав фондининг кўпайтирилиши жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва (ёки) жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига, агар бу жамиятнинг устави билан тақиқланган бўлмаса, жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар ҳиссалари ҳисобига амалга

оширилиши мумкин. Жамият устав фондини жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.

7.7. Жамиятнинг устав фондини камайтириш иштирокчиларга тегишли бўлган улушларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини камайтириш ва унинг янги миқдори тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида жамиятнинг унга маълум бўлган барча кредиторларини хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумот эълон қилиши шарт.

7.8. Устав фондини ўзгартириш тўғрисидаги қарор учинчи шахслар учун устав ва таъсис шартномасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина кучга киради.

## VIII. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ САФИДАН ЧИҚИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

8.1. Жамиятнинг ҳар қандай иштирокчиси жамият иштирокчилари сафидан чиқиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда иштирокчи устав фондидаги ўз улушини қолган иштирокчиларга ёхуд уларнинг розилиги бўйича учинчи шахсларга сотиш ёки уларнинг фойдасига воз кечиш ҳуқуқига эга.

8.2. Иштирокчи иштирокчилар сафидан чиқишида унга ўзи томонидан устав фондига киритилган улушнинг ҳақиқий қиймати натура ёки ҳақиқий қийматига тенг бўлган пул кўринишида қайтарилади.

8.3. Жамият иштирокчиси ўзгартирилганидан кейин жамиятнинг таъсис ҳужжатларига зарурий ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши лозим.

8.4. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

## IX. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИНИНГ (УЛУШИ БИР ҚИСМИНИНГ) ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИГА ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ

9.1. Жамият иштирокчиларидан ҳар бири жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёки улушининг қисмини жамиятнинг бошқа иштирокчиларига ва учинчи шахсларга сотишга ёки бошқача шаклда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли.

9.2. Жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўланган давргача бўлган муддатда тўланган қисми бўйичагина бегоналаштирилиши мумкин.

9.3. Жамият устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак.

## X. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

10.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

- жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
- жамият муассислари йиғилишининг жамиятни ташкил этиш ва жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;
- жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;
- жамият иштирокчилари умумий йиғилишларининг, жамият кузатув кенгаши, жамиятнинг коллегиал ижро этувчи органи ва жамиятнинг тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомалари;
- жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

10.2. Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар ижро этувчи орган жойлашган жойда сақланади.

10.3. Агарда амалдаги қонун ҳужжатлари билан бошқача қоидалар белгиланган бўлмаса, жамият мазкур уставнинг 10.1-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни доимий сақлайди.

10.4. Жамият ҳар қандай иштирокчининг талаби билан унга ахборот, шунингдек таъсис ҳужжатларини унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан тақдим қилиши ёки нусха бериши шарт.

## XI. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

11.1. Жамият ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ўз маҳсулоти ва хизматларига нархларни бозор коньюктурасидан келиб чиқиб белгилайди.

11.2. Жамият мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини, статистика ва молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

11.3. Жамият мустақил равишда жамиятнинг ташкилий тузилмасини, штат жадвалини ва меҳнатга ҳақ тўлашни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилади.

11.4. Жамият фаолиятига оид ҳисоботларни қонунда белгиланган тартибда давлат органларига тақдим қилади.

## XII. ДАРОМАДНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗИЁНЛАРНИ ҚОПЛАШ

12.1. Жамият барча солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин унинг ҳисобида қолган маблағлар Жамиятнинг фойдасини ташкил этади.

12.2. Жамият устав фондининг 15% миқдорида захира фонди шакллантиради. Жамиятнинг захира фонди унинг зарарларини қоплаш ва қонунда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг қисмини) сотиб олиш учун мўлжалланган.

## XIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

13.1. Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб қуйидагилар белгиланади:

- иштирокчиларнинг умумий йиғилиши – олий бошқарув органи;
- директор жамиятнинг ижро этувчи органи.

13.2. Жамиятда кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси белгиланган тартибда ташкил этилиши мумкин.

## XIV. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

14.1. Жамиятнинг олий бошқарув органи бўлиб жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ҳисобланади.

14.2. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг устав фондидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

14.3. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

а) жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

б) жамият устав фондининг миқдорини ўзгартириш;

в) таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

г) жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

е) агар жамиятнинг уставида кузатув кенгашини тузиш назарда тутилган бўлса, уни сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ж) йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

з) жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

и) жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

к) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

л) бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

м) жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг а), б), в), з) ва м) кичик бандларида кўрсатилган масалалар юзасидан қарорлари жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қолган қарорлари, жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

## XV. ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАН

15.1. Жамиятнинг ижро этувчи органи бўлиб жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи директор ҳисобланади.

15.2. Жамиятнинг директори иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади.

15.3. Жамият ва жамиятнинг директори ўртасидаги шартнома, жамият номидан, директор тайинланган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида раислик қилувчи ёки жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан ваколат берилган жамият иштирокчиси томонидан имзоланади.

15.4. Директор лавозимига Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Директор билан тузилган меҳнат шартномасини директорни сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши раиси имзолайди.

15.5. Директор лавозимидан иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан лавозимидан озод қилиниши мумкин.

15.6. Жамиятнинг директори:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;
- жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;
- жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;
- жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;
- қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг устави билан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ва жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

15.7. Директор иштирокчилар умумий йиғилишига ҳисобот беради ва унинг олдида жамият фаолиятининг амалга оширилиши ҳамда унга юклатилган вазифа ва топшириқларнинг бажарилиши учун жавобгардир.

15.8. Директор жамият мол-мулкини тасарруф этиши ва иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича йирик битимлар тузиши мумкин.

## XVI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ

16.1. Жамиятда алоҳида назорат қилувчи органнинг тузилиши кўзда тутилмаган.

16.2. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат иштирокчилар ёхуд мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади.

## XVII. ХОДИМЛАР

17.1. Жамият маъмурияти ходимлар билан жамоа шартномасини имзолайди. Ушбу шартноманинг мазмуни, шу жумладан «Ходимларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги низом» Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, мазкур устав, шунингдек жамият фаолиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

## XVIII. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

18.1. Жамиятнинг тижорат сири – учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот жамият томонидан унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради.

18.2. Тижорат сирининг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ходим:

- иш берувчи томонидан ўрнатилган тижорат сири режимига риоя этиши;
- иш берувчининг розилигисиз тижорат сирини ошкор этмаслиги ва ундан шахсий мақсадларда фойдаланмаслиги;
- меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинганда ўз фойдаланишида бўлган, тижорат сири акс этган моддий жисмларни иш берувчига топшириши ёки уни мазкур жисмлардан иш берувчининг назорати остида йўқ қилиб ёхуд ўчириб ташлаши шарт.

## XIX. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

19.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49 – 55-моддаларида ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49 – 55-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

19.2. Жамиятни қайта ташкил этиш иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

19.3. Жамият белгиланган тартибда ихтиёрий равишда иштирокчиларнинг Умумий йиғилиши қарори бўйича тугатилиши мумкин. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра суднинг қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.

19.4. Жамиятнинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг жамиятни тугатиш тамомланган, жамиятнинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

## XX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

20.1. Таъсис шартномаси ва устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар иштирокчиларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари, таъсис шартномаси ва уставга асосан ҳал қилинади.

20.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар суд орқали, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Мазкур Устав жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

21.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, қонунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Уставга мувофиқ тартибга солинади.

**Жамият иштирокчиси:**

Файзуллаев Шахбоз Файзуллаевич [signature]


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

XAYRULLAYEV

SHAXBOZ

G'AYRATOVICH

20 03 1989 YAKKABOG' TUMANI

O'ZBEK ERKAK

QASHQADARYO VILOYATI
YAKKABOG' TUMANI IIB

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT · PASSPORT P UZB AA5076360

KHAYRULLAEV

SHAKHBOZ

UZBEKISTAN

20 03 1989

M KASHKADARYA REGION

11 04 2014 STATE PERSONALIZATION

10 04 2024 CENTRE

P<UZBKHAYRULLAEV<<SHAKHBOZ<<<<<<<<<<<<<<<<<<<

AA50763601UZB8903200M24041073200389271009000

Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш бош бошқармаси
"МАНЗИЛ" тизими

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги

**Фуқаро доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисида**
**ҚАЙД ВАРАҒИ**

ЖШШИР 32003892710090

Рақам 6804198641205_6

| XAYRULLAYEV | SHAXBOZ | G'AYRATOVICH | 20.03.1989 | ЭРКАК |
|---|---|---|---|---|
| фамилия | исми | шарифи | туғилган санаси | жинси |

ЎЗ. Р. ФУҚАРОСИНИНГ БИОМЕТРИК ПАСПОРТИ — шахсни тасдиқловчи ҳужжат тури

AA5076360 — серия рақами

| Доимий яшаш манзили | Қўшимча маълумотлар |
|---|---|
| Кадастр 18:15:01:01:03:3790:0001:017 | Келиш банди МАНЗИЛ БЎЙИЧА РЎЙХАТГА ТУРИШ |
| Вилоят ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ | Қаердан келди ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ, ҚАРШИ ШАҲРИ, КОМИЛОН ( С.РАХИМОВ), ЎЗБЕКИСТОН КЎЧАСИ, UY:270 XONADON:16 |
| Туман ҚАРШИ ШАҲРИ | |
| Манзил Кашкадарьинская-область, г. Карши, Беглар МФЙ, А.Темур, дом 124, кв. 17 | Доимий рўйхатга олинган санаси 23.04.2022 |

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚАРШИ ШАҲАР ИИБ — бўлинма номи

PULOTOV SHERZOD NAJMIDDINOVICH (05.11.1985) — расмийлаштирган

Изоҳ: *Қайд вароғи фуқаронинг яшаш жойида доимий рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт, ID -карта, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда ҳақиқийдир.*

25.04.2022 12:25:45

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ**

**АГЕНТСТВО ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ УЗБЕКИСТАНА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**Солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида**

# Г У В О Ҳ Н О М А

**СВИДЕТЕЛЬСТВО о постановке на учет налогоплательщика**

С О Л И Қ   Т Ў Л О В Ч И  -  Ж И С М О Н И Й   Ш А Х С Г А
Н А Л О Г О П Л А Т Е Л Ь Щ И К У  -  Ф И З И Ч Е С К О М У   Л И Ц У

| | |
|---|---|
| Фамилияси:<br>Фамилия: | XAYRULLAYEV |
| Исми:<br>Имя: | SHAXBOZ |
| Отасини исми:<br>Отчество: | G‘AYRATOVICH |

солиқ тўловчининг идентификация рақами берилди ва солиқ тўловчи ҳақидаги ҳисобга қўйиш маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг Ягона реестрига киритилди

присвоен идентификационный номер налогоплательщика с введением учетных данных о налогоплательщике в Единый реестр налогоплательщиков Республики Узбекистан

| | |
|---|---|
| **Солиқ тўловчининг идентификация рақами:**<br>**Идентификационный номер налогоплательщика:** | **510 936 549** |
| ЖШШИР:<br>ПИНФЛ: | 32003892710090 |
| Ариза қабул қилган давлат хизмати маркази:<br>Заявление принято центром государственном услуг: | |
| Ҳисобга қўйган давлат солиқ инспекцияси:<br>Поставлен на учет в государственой налоговой инспекции: | YAKKABOG' TUMANI<br>ЯККАБАГСКИЙ р-н |
| СТИР берилган сана:<br>Дата присвоения ИНН: | 11.04.2014 |

Маълумотномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2021 йил 2 октябрдаги 10-мб-сон карорига
108/1-ИЛОВА

# ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ
ГОСУДАРСТВЕННАЯ СТАТИСТИЧЕСКАЯ ОТЧЕТНОСТЬ

**Мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган хисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки хисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215 - моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.**
Нарушение должностными лицами порядка представления государственной статистической отчетности, выразившееся в непредставлении отчетов и других данных, необходимых для проведения государственных статистических наблюдений, искажение отчетных данных или нарушение сроков представления отчетов влечет ответственность, установленную статьей 215 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности.

**Интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади.**
**eStat 3.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан олишингиз мумкин.**
Представляется посредством сети Интернет через автоматизированную систему сбора государственной статистической отчетности в электронном виде eStat 3.0 с использованием электронной цифровой подписи.
Электронные формы государственной статистической отчетности (шаблонов), доступные в системе eStat 3.0 можно получить на официальном сайте Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике www.stat.uz
**Ахборот махфийлиги Ўзбекистон Республикаси "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ кафолатланади.**
Конфиденциальность информации гарантируется в соответствии со статьей 7 Закона Республики Узбекистан «О государственной статистике»

## КИЧИК ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МИКРОФИРМАЛАРДА МАВЖУД ҚУРИЛИШ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР ТЎҒРИСИДАГИ 2021 ЙИЛ УЧУН ҲИСОБОТ
ОТЧЕТ О НАЛИЧИИ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ У МАЛЫХ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И МИКРОФИРМ ЗА 2021 ГОД

| **Тақдим этадилар**<br>Представляют | **Тақдим этиш муддати**<br>Срок представления |
|---|---|
| **Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар ва микрофирмалар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари)** | **26 февралдан кечиктирмай** |
| **Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар** | **26 мартдан кечиктирмай** |
| Малые предприятия и микрофирмы, осуществляющие деятельность в области строительства (кроме предприятий с иностранными инвестициями и участием иностранного капитала) | не позднее 26 февраля |
| Малые предприятия и микрофирмы с иностранными инвестициями и участием иностранного капитала | не позднее 26 марта |

**1-KB shakliga ilova (QM)**

**Йиллик**
Годовая

| Статистик шаклни тўлдиришга сарфланган вақт, соатда (кераклисини "1" рақами билан белгиланг)<br>Время, затраченное на заполнение статистической формы, в часах (нужное отметит цифрой "1") | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **1 соатгача**<br>до 1 часа | **1-2** | **2-4** | **4-8** | **8-10** | **10 соатдан ортиқ**<br>более 10 часов |
| 11 | 1 | | | | | |

| **Ташкилот номи**<br>Наименование организации | **КТУТ**<br>ОКПО | **СТИР**<br>ИНН |
|---|---|---|
| SHOH INJINIRING МЧЖ | 29311318 | 307012501 |

| **Ҳисобот даври**<br>Отчетный период | 2 | 0 | 2 | 1 | **йил**<br>**год** |
|---|---|---|---|---|---|

**I БЎЛИМ. 2019 ЙИЛ 1 ЯНВАР ҲОЛАТИГА КОРХОНА БАЛАНСИДА МАВЖУД ҚУРИЛИШ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ**

РАЗДЕЛ I. НАЛИЧИЕ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ, НАХОДЯЩИХСЯ НА БАЛАНСЕ ОРГАНИЗАЦИИ
НА 1 ЯНВАРЯ 2022 ГОДА

бирлик единиц

| **Кўрсаткичлар номи** Наименование показателей | **Сатр коди** Код строки | **Мавжуд қурилиш машиналари** Наличие строительных машин | **улардан: амортизация муддати ошган холда ишлатилаётганлари** из них: со сроком службы превышающим срок амортизации | **1-устундан чет элда ишлаб чиқарилган машиналар** из графы 1-машины импортного производства |
|---|---|---|---|---|
| А | Б | 1 | 2 | 3 |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

**Бўш сатрларда қуйида келтирилган рўйхат асосида қурилиш машина ва механизмлари бўйича маълумотлар келтирилади.**

В пустых строках приводятся сведения по строительным машинам и механизмам, перечень которых приводится ниже.

| Қурилиш машина ва механизмларининг номланиши<br>Наименование строительных машин и механизмов | Сатр коди<br>Код строки |
|---|---|
| **Бирковшли экскаваторлар – жами**<br>Экскаваторы одноковшовые – всего | 201 |
| **шу жумладан ковш ҳажми бўйича:**<br>**0,2 м3 гача**<br>в том числе с ковшом емкостью:<br>до 0,2 м3 | 202 |
| **0,275 дан 0,6 м3 гача**<br>от 0,275 до 0,6 м3 | 203 |
| **0,65 дан 1 м3 гача**<br>от 0,65 до 1 м3 | 204 |
| **1,25 м3 дан ортиқ**<br>свыше 1,25 м3 | 205 |
| **Гусеницали кранлар, экскаватор-кранларни ҳам киритган ҳолда - жами**<br>Краны на гусеничном ходу, включая экскаваторы-краны – всего | 206 |
| **шу жумладан, юк кўтариши бўйича:**<br>в том числе, грузоподъемностью:<br>**25-40 т гача 25-40 т** | 207 |
| **40 т дан ортиқ свыше 40 т** | 208 |
| **Скреперлар – жами**<br>Скреперы – всего | 209 |
| **шу жумладан, ўзи юрадиган**<br>в том числе, самоходные | 210 |
| **Автогрейдерлар**<br>Автогрейдеры | 211 |
| **Трактордаги бульдозерлар – жами**<br>Бульдозеры на тракторах – всего | 212 |
| **шу жумладан, трактордаги тяга синфи бўйича: 6-10 т**<br>в том числе, на тракторах класса тяги:<br>6-10 т | 213 |
| **15 т 15 т** | 214 |
| **25 т ва ундан ортиқ 25 т и более** | 215 |
| **Қувур ёткизувчи кранлар**<br>Краны-трубоукладчики | 216 |
| **Пневмогилдиракли кранлар, махсус шассили кранларни ҳам киритган ҳолда – жами**<br>Краны на пневмоколесном ходу, включая краны на спецшасси – всего | 217 |
| **шу жумладан юк кўтариши бўйича: 25-40 т**<br>в том числе грузоподъемностью: 25-40 т | 218 |
| **40 т дан ортиқ свыше 40 т** | 219 |
| **Минорали кранлар – жами**<br>Краны башенные – всего | 220 |
| **шу жумладан, юк кўтариши бўйича:**<br>в том числе, грузоподъемностью:<br>**10 дан 14 т гача от 10 до 14 т** | 221 |
| **15 т ва ундан ортиқ 15 т и более** | 222 |
| **Автомобилда юрадиган кранлар - жами**<br>Краны на автомобильном ходу - всего | 223 |
| **шу жумладан, юк кўтариши бўйича:**<br>в том числе, грузоподъемностью:<br>**10 т ва ундан ортиқ 10 т и более** | 224 |
| **Юк ва юкпассажирли кўтаргичлар**<br>Подъемники грузовые и грузопассажирские | 225 |
| **шу жумладан, юкпассажирли**<br>в том числе, грузопассажирские | 226 |
| **Автогидрокўтаргичлар**<br>Автогидроподъемники | 227 |
| **Бир ковшли юк ортгичлар**<br>Погрузчики одноковшовые | 228 |
| **Тракторлар**<br>Тракторы | 229 |
| **Трактор ва автомобиль асосида бўлган бургулаш машиналари**<br>Буровые машины на базе трактора и автомобиля | 230 |
| **Қозиқоёқларга ўрнатилган копёрлар**<br>Копры сваебойные | 231 |
| **Ўзи юрадиган катоклар**<br>Катки самоходные | 232 |
| **Инвентар ва кўчма бетон қоришмасини аралаштирадиган қурилма**<br>Инвентарные и передвижные бетонорастворосмесительные установки | 233 |
| **Асфальт аралаштирадиган қурилма**<br>Асфальтосмесительные установки | 234 |
| **Асфальт ётқизгичлар**<br>Асфальтоукладчики | 235 |
| **Асфальт қопламасини кўчирадиган фрезер машиналар**<br>Фрезерные машины для снятия асфальтового покрытия | 236 |
| **Оғир юк ташийдиган прицеплар (трейлерлар) – жами**<br>Прицепы-тяжеловозы (трейлеры) – всего | 237 |
| **шу жумладан, юк кўтариши бўйича:**<br>в том числе, грузоподъемностью:<br>**40 т ва ундан ортиқ**<br>40 т и выше | 238 |
| **Қозиқоёқларга ўрнатилган дизель-тўқмоқлар**<br>Дизель-молоты свайные | 239 |

| | |
|---|---|
| **Кичик қурилиш механизмлари (перфоратор, дрель, электроболға, торкрет пушка, циркуляр арра, трамбовка ва шу каби бошқа қурилиш-сайқаллаш машиналари )**<br>Малые строительные механизмы (строительно-отделочные машины как перфоратор, дрель, электромолоток, торкрет пушка, циркулярная пила, трамбовка и т.д.) | 240 |
| **Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатадиган устахоналар (автомобилдаги)**<br>Мастерские для технического обслуживания и ремонта (на автомобилях) | 241 |
| **Асбоб-қуролларни тақсимлаш кўчма пункти**<br>Передвижные инструментально-раздаточные пункты | 242 |
| **Гидротўкмоқлар**<br>Гидромолоты | 243 |
| **Коммуникацияларни зовурларсиз ётқизиш машиналари**<br>Машины для бестраншейной прокладки коммуникаций | 244 |

**Изох: агар 2 бўлимда кўрсатилган маълумотлар олдинги даврларда тақдим этилгандан тубдан фарқ қилса, сабабини кўрсатинг.**
Примечание: если указанные во 2 разделе данные существенно отличаются от представленных в предыдущие периоды, поясните причину.

Рахбар
Руководитель
Хайруллаев Шахбоз Гайратович
(Ф.И.О.) (Ф.И.О.)

**ЭРИ сертификатининг тартиб рақами**
№ сертификата ЭЦП

Ҳисобот тузиш учун масъул бўлган мансабдор шахс
Должностное лицо, ответственное за составление отчета
директор
(мансаби)
(должность)
Хайруллаев Шахбоз Гайратович
(Ф.И.О.) (Ф.И.О.)

**Сертификатнинг амал қилиш муддати**
Срок действия сертификата

**Ташкилотнинг электрон почта манзили:** shahbozhavrullavev805@gmail.ru
Адрес электронной почты организации:
,+998975190003, +998975190003
**(алоқа телефони)**
(контактный телефон)

**Ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот маркази қошидаги электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан берилган электрон рақамли имзо билан имзоланади.**
Отчет подписывается электронной цифровой подписью, выданной Центром регистрации ключей электронных цифровых подписей Научно-информационного центра новых технологий Государственного налогового комитета Республики Узбекистан